

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2016 йил
27 август
ШАНБА

№ 69-70 (12913-14)

www.th.uz



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма беш йиллиги нишонланиши муносабати билан дам олиш кунини кўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма беш йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида: 2016 йил 4 сентябрь якшанба дам олиш кунини 2016 йил 2 сентябрь жума кунига кўчирилсин; 2016 йил 4 сентябрь якшанба кунини иш кунини деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 26 август

"ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ" КИТОБ-АЛЬБОМИ НАШРДАН ЧИҚДИ



Яқинлашиб келаётган энг улуг, энг азиз айёмимиз – Мустақиллик байрами арафасида "Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма беш йиллиги" номли янги китоб-альбом нашрдан чиқди.

кистон – бу жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган, жадал ривожланаётган ҳуқуқий демократик давлат, халқаро майдондаги нуфузи ва ўрни йил сайин мустаҳкамланиб, интеллектуал ва иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётган замонавий мамлакатдир.

Юртимизнинг мустақиллик даврида босиб ўтган мураккаб ва айни вақтда шарафли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу альбомдан ўрин олган таҳлилий мақола ва фотосуратлар мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган, кўлами ва миқёсига кўра бениҳоя улкан ишлар, халқимизнинг оғир синов ва қийинчиликларни мардона енгиб, янги ҳаёт, янги жамият бунёд этишда қўлга киритаётган юксак ютуқ ва марраларини ёрқин ифода этиши билан айниқса эътиборлидир.

Альбом Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исроил Каримовнинг мухтасар сўзбошиси билан очилади. Мазкур сўзбошида, жумладан, шундай фикрлар таъкидланган:

"Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъномасининг бутунлай ўзгаришган, тарихимизда янги саҳифа очган

буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустақил тизим қишлоқларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриши, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.

Айнан мустақиллик топталган қадриятларимизни, дину диёнатимизни, ору номусимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажагимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақланиб қолажак".

Китоб-альбом "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!", "Келажакка интилган мамлакат", "Даврни белгилаб берган инсон", "Суратларда акс этган юрт ҳаёти" сингари бўлимлардан иборат. Матнлар ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилган.

Ўйлаймизки, юртимизнинг етакчи ижодий кучлари иштирокида тайёланган, юксак полиграфия сифат ва кўркем дизайн асосида нашр этилган мазкур китоб-альбом мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик шонли санасига муносиб совға бўлади.

Ў.А.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида Ангрен иссиқлик электр станциясида мамлакатимиз энергетика тизимига қўшимча 130-150 мегаватт/соат электр энергияси етказиб берадиган энергоблок ишга туширилди.



Юксалиш

ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ИМКОНИЯТИ ОРТМОҚДА

Президентимиз раҳнамолигида энергетика тармоғини барқарор ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бермоқда. Хусусан, электр энергияси ишлаб чиқариш ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридагига нисбатан қарийб 10 миллиард киловатт/соатга кўпайди. Электр станцияларининг қуввати эса 1,9 миллион

киловатт/соатга ортди. Бугун мамлакатимиз электр энергияси таъминоти бўйича ички бозор эҳтиёжини қоплаш билан бирга, уни экспорт қилувчи давлатлар қаторидан жой олди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрдаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғриси-

да"ги Қароридида мамлакатимиз саноат комплексини ривожлантиришнинг асосий вазифа ва устувор йўналишлари белгилаб берилган. Саноат соҳалари, жумладан, энергетика тармоғида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технология янгиллаш, замонавий ускуналар би-

лан жиҳозлаш, сўнгги илм-фан ютуқлари ва илғор инновацион технологияларни татбиқ этиши кўзда тутилган мазкур ҳужжат ижроси доирасида "Ангрен иссиқлик электр станцияси"да ишга туширилган янги энергоблок қисқа муддатда – 32 ойда қуриб битказилди.

Айни пайтгача йилга 600 миллион киловатт/соат электр энергияси

етказиб берган Ангрен иссиқлик электр станцияси энди бу кўрсаткични 869,36 миллион киловатт/соатга етказди. Олиб борилган ислохотлар самараси фақат электр қувватининг ортганида эмас, балки бу манбани ишлаб чиқаришда сарф-харажатлар миқдорининг сезиларли камайганида ҳам кўринади.

– Электр энергетикаси иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларидан биридир, – дейди "Ангрен иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамияти бош директори Дилшод Йўлчиев. – Барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланиши, меҳнат унумдорлиги ошиши ва аҳоли фаровонлиги юксалиши кўп жиҳатдан мазкур тармоқ истиқболи билан ҳам боғлиқ. "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари ҳамда Хитойнинг "Eksimbank" и узок муддатли имтиёзли кредити ҳисобидан умумий қиймати 226 миллион доллар миқдориди молиялаштирилган мазкур лойиҳа тармоқда амалга оширилаётган самарали ишларнинг узвий давоми бўлди. Кейинги йилларда ёқилғи-энергетика тизимида қаттиқ ёқилғи улушини оширишга алоҳида аҳамият берилаётганини ҳисобга олиб, ушбу энергоблок куллик даражаси юқори бўлган кўмирни ёқишга мўъжаллангани ҳамда атоф-муҳитга таъсири нисбатан камлиги билан аҳамиятлидир.

Давоми 2-бетда. ➡
Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат.

МЕҲНАТИМИЗНИНГ РОҲАТИНИ КЎРАЯПМИЗ

Касбимизнинг сурурга тўла онлари кўп. Шогирдларимиз эришаётган ютуқлардан қанчалик шодлансак, меҳнатимиз муносиб қадр-қиммат топаётганини кўриб, яна шунча кувонамиз.

Дил изҳори

Давлатимиз раҳбарининг яқиндагина матбуотда эълон қилинган "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони ҳам бу борадаги ғамхўр-

лининг яна бир ёрқин ифодасидир. Меҳнатларимиз роҳатга айланаётгани, турмушимиз обод, рўзгоримиз кут-баракали бўлаётгани шу, аслида.

Мен таълим соҳаси вакили бўлганим учун ҳам

Истиқлол иноятлари ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, албатта, таълим соҳасидаги янгиланиш ва юксалиш жараёнларини эътиборга олади. Ота-оналар билан суҳбатлашганимизда ҳам уларнинг гап-сўзлари, юз-кўзларидан ўғил-қизлари камолдан мамнунлик, эртанги кунидан хотиржамлик ҳисси яққол сезилди.

Давоми 2-бетда. ➡

Мукофотлар муборак!

ВАТАНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 августдаги Фармонида мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, муҳаббат, иштироки билан эл-юрт иззат-ҳурматида сазовор бўлган юртдошларимизнинг бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

"Ўзбекистон ифтихори"

Ғоибназаров Фазлиддин Ҳасанбоевич – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

"Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси"

Солиева Ҳури Мелихўжаевна – Ўрта Чирчиқ туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"

Якубов Абдурауф Сатторович – Чирчиқ шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

"Шухрат" медали билан

Шоумарова Саида Мирзаахматовна – Юқори Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси "Гулистон" кишлоқ врачлик пункти мудири

Эргашев Ботиржон Йўлдошевич – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими адабий маслаҳатчиси

Давоми 2-бетда. ➡

Август – ҳосилга ҳосил қўшиш зарбдор ойи

Август ойи охирида, аксарият пахтазорларда ҳосил нишонлари бўй кўрсатмоқда. Аммо, дала-ларда ҳали иш қизғин.

Маълумки, гўза парваришида август ойи жуда муҳим ҳисобланади. Боиси, бу пайтда барча агротехник тадбирларни вақтида ва сифатли бажариш, айниқса, экинни тунги "шарбат" усулида сугориш, қатор ораларига ишлов бериш ва турли зараркунанда-

ЭКИН – ДЕҲҚОН МЕҲРИДАН ЯШНАЙДИ

ларга қарши самарали курашиш ҳосилдорлиқни 3-5 центнерга ошириш ва толанинг пишқиб бўлишига замин яратади. Ҳосилга ҳосил қўшишда бу мавсумдаги амалларнинг нечоғлик муҳим эканини яхши англаган вилоятимизнинг 3537 фермер хўжалиги пахтакорлари 89 минг 100 гектардаги

гўза парваришига зўр беришган. Хусусан, Бекобод туманидаги "Сардосдиёр-Саидахмад ишонч" фермер хўжалиги дала-сида ҳам ишлар айни қизиган пайт. Хўжалиқнинг 19 ишчи, сувчи ва механизаторлари 33 гектарда парваришланаётган гўзанинг бор ҳоси-

лини сақлаб қолиш ва уни янада кўпайтиришга бел боғлаган. Чунончи, туманининг тупроқ ва иқлим шароитига мос бўлган "Ан-Боёв" нави гўза гектарига 750 килограммдан минерал ўғит билан озик-лангантирилиб, ўн марта, шундан икки марта чуқур культивация қилинди. Уч марта тунги "шар-

бат" суви берилди. – Гўза жуда нозик ва айни пайтда меҳр талаб ўсимлик, – дейди хўжалик раҳбари Мухаммад Саидахмедов. – Нозиклиги шундаки, унга бериладиган ишлов, сув ёки ўғитни зинҳор вақтидан кечиктириб ҳам, олдинга суриб ҳам бўлмайди.

Давоми 4-бетда. ➡


ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ИМКОНИАТИ ОРТМОҚДА

Янги инновацион лойиҳанинг тезкор қурилиш ишларида мингдан ортиқ мутахассис ва ишчилар меҳнат қилди. Соҳада юқори натижаларга эришган давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида "Ангрен иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятининг 21 ходими Хитойда малака ошириб қайтди.

Хитойнинг Сичуан ва бошқа шаҳарларидаги энергоблокларда 11 ҳафта давомида амалиёт ўтади, электр энергияси ишлаб чиқаришда зарур бўладиган қурилмалар, эҳтиёт қисмлар тайёрланадиган завод-

лар фаолияти билан танишдик, — дейди "Ангрен иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамияти капитал қурилиш бўлими етакчи муҳандиси Фаррух Турғунов. — У ерда ортирған тажрибамизни ёшларга ўргатмоқдамиз.

"Ангрен" махсус индустриал зонасидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг электр ва иссиқлик энергияси таъминотини янада яхшилашга хизмат қиладиган мазкур лойиҳа соҳада замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, касб-хунар коллежи би-



тирувчиларини иш билан таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ангрен иссиқлик электр станциясида меҳнат қиладиган мингдан

ортиқ ходимнинг асосий қисми ёшлардир. Жорий йилда юзга яқин касб-хунар коллежи билан меҳнат шартномалари тузган жамият ёшлар-

нинг аксариятини янги ўрнатилган технологияларда ишлаш учун жалб қилади.

Икром АБВАЛБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

МЕҲНАТИМИЗНИНГ РОҲАТИНИ КЎРАЯПМИЗ

Бошланғич 1-бетда.

Бинобарин, таълим даргоҳларида яратилган замонавий шарт-шароитлар, янги қуриладиган таълим муассасалари, спорт мажмуалари дейсизми, ёки ўқитувчилар меҳнати муносиб қадрланаётгани, ўқувчиларимизнинг иқтидорини рағбатлантиришга қаратилган кўрик-танловларни айтасизми, буларнинг ҳаммаси ўзининг тўлиқ медалларини бераётганига ҳаммамиз гувоҳимиз.

Жаҳонда иқтисодий инкироз ҳали хануз давом этаётган бир пайтда мамлакатимизда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорининг ошириладигани халқимизнинг фаровон турмушини юксалтиришга хизмат қилувчи ислохотлар изчиллик билан давом эттириладиганининг амалий тасдиғи сифатида барчамизга чексиз мамнуният бахш этди.

Биз бунинг учун хамisha мамлакат равақли, эл осойишталиги, халқ фаровонлиги учун қайғурадиган Президентимиздан чексиз миннатдоримиз.

Гулчеҳра ҒАҒУРОВА,
Пискент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи директорининг ўринбосари.

Эъзоз

Бу хонадон доимо файзли бўлган. Негаки, бу уйнинг қариси, яъни париеи бор. Мана энди, нур устига аъло нур деганларидек, бугун ушбу хонадон ҳар қачонгидан ҳам фай-

зийб. Йўқ, фақат шу хонадонгина эмас, айни пайтда бутун "Янгийул" маҳалласидаги, беистисно, барча уйларида хурсандчилик, кўтаринки кайфият.

ХУРСАНОЙ МОМОНИНГ ЭНГ ХУРСАНД КУНИ

Катаю-кичик маҳалла аҳли Хурсаной момони йўқлагани, давлатимизнинг юксак мукофоти билан таъриқлагани ошқанда. Нафақат табаррук момонинг хонаси, балки бутун ҳовли саҳни турфа гуллару, ҳар хил совға-саломларга тўлиб кетган. Момонинг чеҳраси бугун янада ёруғ, гўё кучига куч, қувватига қувват қўшилгандек. Хурсандчилигига шерик бўлиш учун йўқлаб кирган кўни-қўшилари ва маҳалладошлари билан чақнаклашиб толмайди.

Ҳақиқатан ҳам 107 ёшини қаршилаган момо бугун ҳар қанча хурсанд бўлса арзийди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ Хурсаной момо Пирматова "Шухрат" медали билан мукофотланди.

— Узок умр кўри-

шимнинг сабаби ёшлигимдан тинимсиз меҳнат қилиб, бориға сабр-қаноат билан яшаганимда, деб биламан, — дейди момо кўни-қўшилари қўшовида ўтириб. — Ҳа, мен тенгдош авлод нималарни кўрмади, дейсиз. Бир умр далада ишладик. Уруш йилларидаги қийинчиликларни-ку, қўяверасиз. Кимки, келажакка умид билан яшаса, албатта,

рўшноликка чиқар экан. Мана чорак асри, роҳат-фароғатда яшапмиз. Давлатимиз, Юртбошимиз нафақат кексалар ёки ёшлар, барча фуқароларга бирдек ғамхўр, меҳрибон. Мен буни ўз фарзандларимдан кўрган элликка яқин нева-эвараларимнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган бахтли ҳаётлари мисолида яққол кўриб турибман.

Табаррук ёшдаги момо юртимиздаги тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва меҳр-оқибатдан, айниқса, мамнун. Шу туфайли мамлакатимиз тобора гуллаб-яшнаб, халқ фаровонлиги юксалиб бораётганини қайта-қайта таъкидлашдан чарчамайди.

Абдусамид ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОРИ

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Вилоят сайлов комиссиясига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти кенгашларидан бўшаб қолган ўринга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилди. Ушбу

ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқлиги вилоят сайлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 20, 22, 24, 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бўшаб қолган ўринга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин.

Номзоднинг Ф.И.Ш.	Туғилган йили	Партия- вийлиги	Эгаллаб турган лавозими	Яшаш манзили	Номзод этиб кўр- сатган ташкилот
			44-«Кориз» сайлов округи		
Атамуратов Шокиржон Тоиржонович	08.08.1965 йил, Тошкент вилояти, Пискент тумани	ЎзМТДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хўзуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жам- ғармаси Пискент тумани бўлими ҳуқуқшуноси	Тошкент ви- лояти Пискент тумани	ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши
Дадаматов Исоқбой Исомович	10.12.1952 йил, Тошкент вилояти, Пискент тумани	Ўз"Адолат" СДП аъзоси	Пискент тумани "Дадаматов Исоқбой" фермер хўжалиги раҳбари	Тошкент ви- лояти Пискент тумани	Ўз"Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши
Ғозиев Равшан Рустамович	18.08.1986 йил, Сирдарё вилояти, Меҳнатобод тумани	ЎзЛиДеП аъзоси	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси Тошкент вилояти кенгашининг ташкилий-пар- тиявий ишлар бўлими мудири	Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши
Эргашходжаев Исламджан Джасурович	01.04.1970 йил, Тошкент вилояти, Паркент тумани	ЎзХДП аъзоси	Тошкент вилояти ҳокими в.б.	Тошкент шаҳри	ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши

Вилоят сайлов комиссияси раиси

Тошкент шаҳри, 2016 йил 26 август.

У. АБДУШОҲИДОВ.

ВАТАННИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2016 йил 24 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларидаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун юртдошларимизнинг бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

**"Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган саноат
ходими"**

Нурутдинов Алик Саидович —
"Ўзбекистон металлургия комбинати"
акциядорлик жамияти бош директо-
ри

**"Эл-юрт хурмати" ордени
билан**

Салоҳиддинов Солиддин — "Ну-
роний" жамғармаси Паркент тумани
бўлимаси "Номданак" қишлоқ фуқаро-
лар йиғинининг жамоатчилиги Кенгаши
раиси

**"Фидокорона хизматлари учун"
ордени билан**

**Ахмедов Агзамжан Акбаралие-
вич** — "Янги Ангрен иссиқлик электр
станцияси" акциядорлик жамияти бош
муҳандисининг ўринбосари

"Дўстлик" ордени билан

**Раҳманов Баходир Ҳамрақуло-
вич** — "Ўзбекистон темир йўллари"
акциядорлик жамиятининг "Ўзбеки-
стон" локомотив депоси "Афросиёб"
электр поезди машинисти

**Старовров Олег Владимиро-
вич** — "Олмалик кон-металлургия
комбинати" акциядорлик жамияти-
нинг мис бойитиш фабрикаси дирек-
тори

**Файзиева Сайёра Мавлянов-
на** — вилоят ҳокимининг ўринбоса-
ри, хотин-қизлар қўмитаси раиси

"Шухрат" медали билан

(100 ёшдан ошганлар)

Пирматова Хурсанай — Янгийул
тумани

"Жасорат" медали билан

Нематов Умид Абдукаримович

— Бўка туманидаги "Аслиддин-Умид"
масъулияти чекланган жамияти раҳ-
бари

"Шухрат" медали билан

Абдуллаев Шавкат Раҳмонович —
"Аммофос-Максам" акциядорлик жа-
мияти цех чилангари

Ваджиев Тахир Насруллаевич —
"Ўзбекқўмир" акциядорлик жамия-
тининг "Ер ости ишлари" филиали
лаҳмчиси

**Дадаков Жуманбай Кадирқуло-
вич** — "Олмалик кон-металлургия ком-
бинати" акциядорлик жамиятининг мис
эритиш заводи қуёвчиси

Каримов Данияр Дилмуратович —
"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳарака-
тининг вилоят Кенгаши раиси

**Сидиков Ҳуснидин Пардабае-
вич** — "Ўзбекқўмир" акциядорлик жа-
миятининг "Белазқўмир" филиали
бульдозер машинисти

**Суванова Зоҳида Туллибеков-
на** — Республика Маънавият тарғибот
марказининг Бекобод тумани бўлими
раҳбари

**Ташматов Абдумумин Абдува-
итович** — "Ўзбекистон металлургия ком-
бинати" акциядорлик жамиятининг
2-навли прокат цехи катта устаси

**Худайберганов Бахтиёр Эрга-
шович** — Чиноз тумани йўл хўжалиги
пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхо-
наси автокаток машинисти

**Шомирзаев Шухрат Шомасу-
тович** — "GM Powertrain-Uzbekistan"
акциядорлик жамияти директорининг
ишлаб чиқариш масалалари бўйича
ўринбосари — техник хизмат кўрсатиш
бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2016 йил 25 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қончилиқни такомиллаштиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга катта ҳисса қўшган юртдошларимизнинг бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

"Жасорат" медали билан

Буранов Акмал Иргашевич —
вилоят Ички ишлар бошқармаси жи-
ноят қидирув ва терроризмга қарши
курашиш бошқармаси катта тезкор
вакили

**"Содиқ хизматлари учун"
медали билан**

**Қодиров Ғайрат Абдуқаҳхоро-
вич** — Бўка тумани давлат солиқ ин-
спекцияси бўлим бошлиғи

**Нарбаев Нуриддин Хамиджа-
нович** — Чиноз тумани ички ишлар

бўлими профилактика катта инспек-
тори

Таджиев Эркабай Аминович —
вилоят прокурорининг биринчи ўрин-
босари

"Шухрат" медали билан

**Джалилов Дилшодбек Ганижо-
нович** — Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк
қўмондонлик-муҳандислик билим юрти
гуруҳи командири

Джуроева Лайло Раимовна —
Ангрен шаҳар адвокатлик фирмаси
адвокати

Бошланғич 1-бетда.

Замон фалсафаси

ДАВРУ ДАВРОН ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Абдуҳалил МАВРУЛОВ,
республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази
раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор:

— Кейинги йилларда маънавий ҳаётимизда улкан эврилишлар, янгилиниш ва ўзгаришлар содир бўлди ҳамда бу жараён изчил давом этмоқда. Унда миллий ғоя ва мафкура ўзига хос тарбия воси-таси ўлароқ хизмат қиладиган. Дарҳақиқат, бу дунёда инсонни, пировард натижада бутун инсониятни ҳаракатга келтирувчи, уни эзгу ният, амал, мақсадларга йўналтирувчи куч — ғоя ҳисобланади. Ғоя инсонни улуглайди, улга шараф-шон келтиради. Вайронкор, бузғунчи ғоя эса уни танлаган кишининг юзини қора қиладди. Ўзимизга бир савол бериб қўрайлик. Хўш, инсон, умуман, у ёки бу жамият нега адашади? Нега айрим кишилар юзи шувут, бош кўтаролмай юради? Нега жиноятлар содир бўлади, цивилизациялар барбод қилинади, инсонлар алданади? Чунки, ўша тузумларда пишиқ-пухта миллий ғоя бўлмаган ёки нотўғри ғоя танланиб, охири-оқибатда муқаррар таназзул юз берган. Ўзбек халқининг бахти шундаки, Истиқлолнинг дастлабки куниданоқ асл миллий ғояни топишга, уни ўз фаолиятининг дастуриламалига айлантиришга ҳаракат қилди ва бунинг уддасидан чиқди.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида Янгийул туманида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг

бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари оилаларига мўлжалланган 18 хонадондан иборат замонавий кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

□ Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

Шу муносабат билан ўтказилган тadbирда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Каримов раҳнамолигида замонавий курул-яроғ ва техника, етук ҳарбий мутахассислар билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш йўлида амалга оширилган изчил ислохотлар мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашда юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлашнинг тегишли дастури асосида ҳарбийлар оилаларини мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, замонавий лойиҳалар асосида ҳарбий шахарчалар барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, бундай тураржойларда хонадон эгалари эҳтиёжига тўла жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший ша-

роит яратишга эътибор янада кучайтирилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 14 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва яққа тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорлари бунда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун кўплаб замонавий уй-жойлар, ётқонхоналар, таълим муассасалари, спорт мажмуалари ва бошқа инфратузилма объекти қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Янгийул тумани Гулба-

хор шаҳарчасида қад ростлаган замонавий уй ҳовлисида болалар спорт майдончаси ҳам барпо этилган.


– Ватан ҳимоясининг хонадониди хотиржамлик бўлса, у ҳар қандай мураккаб топшириқни мардона бажара олади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида хизмат қилаётган сержант Ақром Холматов. – Бу борада биз, ҳарбий хизматчиларга барча шароит яратиб берилмоқда. Бугун оиламиз учун қувончли кун – барча шароитга эга, кенг ва ёруғ уйга кўчиб ўтдик. Турмуш ўртоғим ва фарзандларим қувончини кўриб, Ватан ҳимоячиси бўлганимдан фахрланиб кетдим. Бу хурсандчилик энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида бўлаётгани янада аҳамиятли. Доимий эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Тadbирда санъаткорлар томонидан концерт дастури намойиш этилди.

И. АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

□ Таҳриба

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Пискент туманидаги "GOLD FRESH HERBS" масъулияти чекланган жамияти дала шийпониди Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазмун-моҳиятини тadbиркор ва фермерлар орасида кенг тарғиб қилиш ва вилоятнинг мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт имкониятларига доир семинар ташкил этилди.



ЎЗИМИЗНИНГ БОҒДАН ЖАҲОН БОЗОРИГА

Вилоятимиз табиати ва иқлим шароитига кўра деҳқончилик учун қулай ҳисобланади. Шунингдек, вилоятда олган ҳолда мева-сабзавот етиштирилаётган ҳудудларда агрофирмалар ташкил қилиш ва улар негизда иссиқхоналар фаолиятини йўлга қўйиш истиқболли саналади.

Семинар кун тартибидан туманларда 1-2 гектарлик маҳсус иссиқхоналар ташкил этиш ва унда етиштирилган қўчатларни экиш учун ер майдонлари ажратиш масаласи ўрин олди. Тadbир иштирокчилар

"GOLD FRESH HERBS" томонидан ташкил этилган иссиқхона ва замонавий агротехнологиялар билан танишиб, бу ерда полиз, мева ва сабзавот экинлари етиштириш, томчилатиб сўғоришнинг афзалликлари, мева ва сабзавотларни сақлайдиган музлаткичлар фаолияти ҳамда маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Эътиборлиси, агрофирма мавжуд иссиқхонада етиштирилган сабзавот қўчатларини деҳ-

қонларга экиш ва келгусида маҳсулот етиштириб бериш учун тарқатади. Шунингдек, вилоятдаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган барча агрофирмаларга агротехник ҳолат назорати учун олий тоифали мутахассислар жалб қилинади. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги билан бир қаторда, маҳсулот сифати ва миқдори ҳам ортиб боради.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

□ Вилоят прокуратурасида

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Янги иш ўринлари яратилиши аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан давлатимиз томонидан мазкур йўналишда кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, вилоят прокуратураси органлари томонидан аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатлар ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатилган ва бу борада муайян натижаларга эришилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 7 ойида вилоят бўйича Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилган 11 минг 559 нафар фуқаронинг 10 минг 985 нафари ёки 95 фоизи иш билан таъминланди. 305 нафар фуқаро ишсизлик мақомини олиб, улардан 269 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Бундан ташқари, интернет орқали "бандлик ҳолати бўйича электрон база"да NewJob яъни, янги иш ўринлари дастури ташкил этилган бўлиб, ушбу дастур орқали фуқаролар ўзларига қулай бўлган ҳудудларда мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари мумкин.

2016 йилда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун 78 мартаба бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, ўтган 7 ой давомида маҳаллий ҳокимлик ва прокуратура органлари ҳамкорлигида 62 та бўш иш ўринлари билан иш тирок этиб, уларга 10 минг 382 нафар банд бўлмаган фуқаролар жалб этилди ва улардан 2 минг 915 нафарига ишга жойлаштириш учун

йўлланмалар берилди.

Ўтган ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини 37 минг 162 нафар битирувчи тамомлади. Шулардан 36 минг 812 нафари ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузди.

Прокуратура органлари томонидан мазкур шартномаларнинг ҳаққонийлиги тўлиқ ўрганилди ва асосий эътибор имкон қадар уларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришга қаратилди.

Аммо, "Гуруч курмасиз бўлмайди", деганларидек, назорат тadbирлари давомида давлат хизматчиларининг қонун нормалари мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб етмасдан, ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашаётганлиги оқибатида қонунбузилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текширишларда жами 265 та янги иш ўринлари ҳисоботларга қўшиб ёзилганлиги аниқланди. Бу борада, айниқса, Қуйи Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманлари бандликка кўмаклашиш марказлари "жонбозлик" кўрсатган.

Текширишлар якунига кўра, яратилмаган иш ўринлари яратилганлиги ҳақидаги ҳисоботлардан қандайдир бандлик ҳолати бўйича электрон базадан чиқартирилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Ҳусан РАСУЛОВ,
вилоят прокуратураси қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими прокурори,
1-даражали юрист.

ЮЗ МИНГ АҲОЛИГА ЗИЛОЛ СУВ

"Тўйга тўёна билан" дегандек, байрамларни ҳар соҳада муносиб тўғфалар билан қўтиб олиш халқимизнинг эзгу одати.

Қарор ва ижро

Вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонаси жамоаси ҳам аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни шу йилнинг ўтган олти ойи давомида 15 фоиз ошириб, байрамни ёруғ юз билан нишонламоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 октябрдаги "Сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида маҳсус ишчи гуруҳи тузилиб, тизимли мониторинг ишлари олиб борилди, – дейди унитар корхона

директори Нўмон Аминов. – Ўтган ярим йил давомидаги изчил саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, вилоят аҳолисини тоза сув билан таъминлаш даражаси 80 фоизга кўтарилди. Бундан ташқари, 2016 йилнинг биринчи ярмида эгасиз бўлган 136 та сув қудуқлари корхонамиз балансига олиниб, зарур чоралар кўрилгани натижасида яна 100 мингдан зиёд кишилар хонадонига ичимлик суви қувурлари тортилиб, доимий абонемент сафига қўшиб олинди.

Корхонада йил давомида кредитдор ва дебитор қарзларни кескин камайтириш, абонементлар сафи-

ни янада кенгайтириш ва уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш учун "Биллинг" тизимини ўрнатиш режалаштирилган эди. Шу мақсадда маҳсус хоналар ажратилиб, таъмирланди. Компьютер техникалари харид қилинди. "Биллинг" тизимини бошқарадиган хизматдорлар маҳсус тайёргарликдан ўтказилди. Ушбу жараёнлар маромига етказилгач, янги тизим 1 августдан тўла ишга тушди.

Ичимлик суви иншоотлари ва насос станцияларидаги ҳар жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналар харид қилинди. Дебитор қарзлар 2,5 миллиард сўмга қисқартирилди ва 352 та янги иш ўринлари очилди. 2016 йилга белгиланган манзилли дастурга мувофиқ, вилоятдаги 33 та ичимлик суви объекти ларида 62,4 километр қувур тармоқлари, 14 та сув қудуғи, 5 та сув ми-

нораси, 4 та сув трансформатори, 11 та сув насослари қайта тикланди. – Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори "Сувоқова" давлат унитар корхоналари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, юқори самарали техникалар билан таъминлаш, электр қувватини тежаш, пировардида, бутун аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган, – дейди Нўмон Аминов. – Хусусан, Чиноз, Янгийул, Зангиота туманлари аҳолисини ичимлик сувига эҳтиёжини қондириш мақсадида Осиё Тараққиёт банксининг сармоялари жалб этилди. Ушбу лойиҳа қиймати жиҳатидан ичимлик суви таъминоти соҳасидаги энг салмоқли лойиҳалардан биридир.

Абдулсамид ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

нораси, 4 та сув трансформатори, 11 та сув насослари қайта тикланди.

– Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори "Сувоқова" давлат унитар корхоналари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, юқори самарали техникалар билан таъминлаш, электр қувватини тежаш, пировардида, бутун аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган, – дейди Нўмон Аминов. – Хусусан, Чиноз, Янгийул, Зангиота туманлари аҳолисини ичимлик сувига эҳтиёжини қондириш мақсадида Осиё Тараққиёт банксининг сармоялари жалб этилди. Ушбу лойиҳа қиймати жиҳатидан ичимлик суви таъминоти соҳасидаги энг салмоқли лойиҳалардан биридир.

Абдулсамид ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

шукроналик ҳисси ҳар биримизни мудом огоҳликка чорлаб туриши керак.

Негаки, бу дунёда дўст бор, душман бор. Яхшиликни қўролмайдиганлар ҳар қадамда тинчлигимизга, фаровон ҳаётимизга даҳл қилмоқчи бўлишади. Бу борада, айниқса, ёшларимизнинг зийраклиги, огоҳлиги ниҳоятда зарур. Лоқайдилик, худбинлик энг катта душман. Бунинг асло унутмаслигимиз керак.

Шоира ХАБИЛОВА,
Оққўрғон агробизнес ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.

□ Агар огоҳ сен...

Шу кунларда қалбимизга эркинлик, озошлик, ҳурлик туйғусини бахш этган энг улуғ, энг азиз байрам – Истиқлолимизнинг 25 йиллигини кенг нишонлаёмиз. Аслида байрам шодиёналари аллақачон

диёримизнинг ҳар бир гўшасида куй бўлиб, оҳанг бўлиб янграмоқда, эзулиқ насимлари дилларга завқ-шавқ бағишламоқда. 25 йил давомида эришилган ютуқлар залвори дунёларга бўйламоқда.

ТИНЧЛИКНИНГ НУРАФШОН ТОНГЛАРИ

Куни кеча Бразилияда жаҳонни дол қолдириб, чемпионлик шоҳасини эгаллаган спортчиларимиз ғалабаси Ватанимиз тўйига муносиб тўёна бўлганининг гувоҳи бўлдик. Қойил, дунёнинг икки

юздан зиёд давлатидан келган спортчилар орасида ватандошларимиз 13 та медалини кўлга кiritиб, 21-ўринни эгаллашди. Ватан шарафини кўкларга кўтарган спортчиларимизни юксак эътибор билан ку-

тиб олаётган муқаддас Ватан ардоғи нақадар тотли... Кун келиб чемпионларимиз қаторида менинг ўқувчиларим ҳам бўлишини орзу қиламан. Шундай кезларда: "ёмон кўзлардан асрагин", деган сўзлар ҳаё-

дан ўтади. Лекин, ўз уйингни ўзинг асра деган гап ҳам бор. Шундай дориларим кунларда эмин-эркин, тинчлик-осойишталикда, беҳавотир яшаётганимиз, эртанги кунимиздан кўнгли тўқлиги учун ҳам

шукроналик ҳисси ҳар биримизни мудом огоҳликка чорлаб туриши керак.

Негаки, бу дунёда дўст бор, душман бор. Яхшиликни қўролмайдиганлар ҳар қадамда тинчлигимизга, фаровон ҳаётимизга даҳл қилмоқчи бўлишади. Бу борада, айниқса, ёшларимизнинг зийраклиги, огоҳлиги ниҳоятда зарур. Лоқайдилик, худбинлик энг катта душман. Бунинг асло унутмаслигимиз керак.

Шоира ХАБИЛОВА,
Оққўрғон агробизнес ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан интернетдаги манзилимиз — **www.th.uz** сайтида ҳам танишишингиз мумкин.

Замон фалсафаси

ДАВРУ ДАВРОН ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:

– Илгари диққатга сазовор жой деганда пойтахтдаги кўзга кўринган иншоотлар назарда тутилди. Эндилликда Ўзбекистоннинг исталган туманида мустақиллик йилларида қад ростлаган манзилларни кўриб, завқ-шавққа тўлиш мумкин. Масалан, Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани чекка ҳудуд саналади. Бу жойларда экотуризмнинг бири-биридан жозибадор масканлари туманининг кўркем қиёфасига айланган.

– Агар инсон ўз Ватанини севса, уни бойитиш учун меҳнат қилиш кўнгил фароғатига айланади, – дейди Бўстонлик туманидаги Хондайлик кишлоқ фуқаролар йиғини фаоли Асад Асиров. – Озод ва обод Ватан барпо этишда ким фидойилик кўрсатса, ўша одам ҳамиша эл эъзозиди. Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришга ўрганган, табиатан танбал одам хорижга борганда ҳам коссаси оқармайди. Ўз юртинг, ўз шахринг, ўз маҳалланг учун жон қийдириб яшаганга нима етсин?!

Ўзбекистонимиз қанчалик бекиёс, серфайз замин эканлигини билиш

учун чет элликлар нигоҳи билан назар ташласак, тўғри бўларди. Биология фанлари доктори Абдуқодир Эргашев ҳикоя қилади:

– Мамлакатимизга Япониядан келган бир гуруҳ меҳмонлар билан уч-тўрт кун бирга бўлдик. Табиийки, японияликларни Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига олиб боришнинг режалаштирдик. Тарихий обидалар, уларга бўлган эътиборни зўр ҳафсала билан томоша қилган меҳмонлар бутун саёҳат давомида Ўзбекистондаги ҳар бир манзарага айрича ҳайрат ва қизиқиш билан қарашди. Самарқанддан Бухоро томон йўлда давом этаётганимизда японияликлардан бири қўққисдан ҳайдовчининг елкасини туртиб, тўхташ ишорасини қилди. Машина тўхтагандан сўнг меҳмонлар пастга тушиб, ўфқларга туташиб кетган кенгликларга, қип-қизил лозлазорга ҳайрат билан қараб туришарди. "Эҳ, қойил, бу гўзаллик нақадар табиий, – деб хитоб қилди ёши улуғ меҳмон. – Шундай бепоён ва гўзал жойлари бор юртни яхши кўрмай бўладими?! Сизлар чинакам бахтиёрсизлар".

□ Таълим

САМАРАЛИ
ҲАМКОРЛИК

Тошкент вилоятида "Таълим-тарбия самардорлигини таъминлашда синф раҳбарининг ўрни ва роли" мавзuida умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун ўқув-семинарлари ўтказилмоқда.

Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Чиноз туманида ташкил этилган шундай тадбирда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, маҳалла фаоллари, мактаб директорлари ва ўқитувчилар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодини жисмонан соғлом, юсак интеллектуал салоҳиятли ва малакали кадрлар қилиб тайёрлаш давлатимиз сийбосининг устувор йўналишларидан бири экани алоҳида таъкидланди.

Ўқувчининг истеъдодини юзага чиқариш, салоҳиятига кўра маълум соҳаларга йўналтириш педагогдан алоҳида изланиш ва маҳорат талаб этади. Бу борада, айниқса, синф раҳбарларининг зиммасидаги масъулият катта. Шундан келиб чиққан ҳолда, тумандаги барча 46 умумтаълим мактабининг 419 синф раҳбари иштирок этган семинарда "Оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлигида синф раҳбарининг ўрни", "Ўқувчиларни тўғрақиларга жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда жамоатчиликнинг роли", "Мактаб раҳбарияти, психологи, ота-оналар ҳамда синф раҳбарининг самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишда ўзига хос жиҳатлар" мавзуларида таъкидланди.

Бугун мутахассисларнинг маърузаларини тинглаш билан бирга, бу борада ўзига хос тажриба тўплаган, педагогик технологиялар ишлаб чиққан ҳамкасбларимиз фаолияти билан ҳам танишдик, – дейди Чиноз туманидаги 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гавҳар Солиева. – Туман ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, маҳалла фаоллари билан мактаб педагогик жамоаси ҳамкорлигини янада яхшилаш бўйича фикр алмашилгани ҳам гоёт фойдали бўлди.

Тадбир якунида синф раҳбарларининг ўқувчилар билан ишлаш методикаси даражасини аниқлаш ва уларнинг иш фаолияти самардорлигини янада оширишга қаратилган махсус тест синовлари ўтказилди.

Ў.А.

Юртимизда тадбиркорликни йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитлар яратилгани, айниқса, бу жараёндаги тартиб-таомиллар тубдан соддалаштирилганлиги туфайли кичик бизнес субъектларининг сони тобора кўпайиб, иқтисодиётнинг барча тармоғида самарали иш олиб бормоқда. Натижада, ҳозирги кунда республикамиз аҳолисининг ҳар 1000 нафарига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони ўртача 11,1 тани ташкил этаётган. Бу МДХ мамлакатларидаги кўрсаткичдан анча юқори. Бошқача айтганда, 2000-2015 йиллар давомида юридик шахс мақомига эга ишбилармонлик субъектлари сони қарийб 2,2 баробар ошди.

Айтиш ўринлики, тадбиркорлик ҳаракатининг ривожланиш ҳолати, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш ва уларга қўшимча имкониятлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг янада тўлиқ ёритилиши статистик кузатувлар натижаларининг сифатлиги ҳамда ишончлиги орқали таъминланмоқда. Бинобарин, статистик кузатувлар шакллари ва уларни тақдим этиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш давлат статистика органларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг самараси ўлароқ, сўнгги йилларда статистик ҳисоботлар тизими сезиларли даражада соддалаштирилиб, уларни тақдим этиш мuddатлари мақбуллаш-тирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик

муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари бу борада муҳим омил бўлаётган. Ҳозирги кунга келиб, статистик ҳисоботлар сони статистик ахборотларнинг тўлиқлиги ҳамда сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда, 2000 йилдагига нисбатан деярли 3 марта қисқартирилди.

икки иш куни давомида қўйиш лозим эди. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб, бунга ҳожат қолмади. Аризаларни интернет тармоғи орқали кечаю кундуз жўнатиш, атиги 4 иш соати давомида фирма номининг захирага қўйилганлиги тўғрисида маълумот олиш мумкин. Натижада, ушбу тизим жорий этилган даврдан то 2016

хоналар ҳамда микрофирмалар фаолияти ҳар чоракда тегишли фаолият йўналишлари бўйича ўрганиб борилаётган. Фермер ҳўжаликлари фаолияти юзасидан амалга оширилаётган статистик кузатувларда эса нафақат уларнинг асосий фаолияти натижалари, балки ҳўжаликнинг ишчи-ходимлар билан таъминланганлик дара-

тика органлари томонидан 10 турдаги интерактив давлат хизматлари кўрсатувчи ахборот тизимлари жорий этилди. Бунинг эвазига, Давлат статистика қўмитаси тизими органларининг расмий сайтлари орқали 6 турдаги асосий ҳамда 4 турдаги қўшимча интерактив давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

ри" ташкил қилинган бўлиб, у орқали келиб тушаётган мурожаатларнинг тезкор, тўлақонли ҳамда ҳолисона кўриб чиқирилиши таъминланмоқда.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтыда "Тадбиркорлар учун" махсус руҳ ташкил этилган ишбилармонлар манфаати йўлидаги яна бир қадам бўлди, дейиш мумкин. Қолаверса, қонунчиликда бўлаётган ўзгаришлар, улар учун яратилган қўлай шароитларни тадбиркорлик субъектлари кенг омма-сига етказиш мақсадида семинарлар, давра суҳбатлари, "Очиқ эшиклар куни" ташкил этиш аъёна тусини олган. Биргина 2016 йил январь-июль ойлари давомида вилоятда 134 та семинар ва давра суҳбати, 266 марта "Очиқ эшиклар куни" ўтказилиб, уларда 6 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари қатнашди.

2016 йилдан бошлаб, тадбиркорлик субъектлари учун яна бир янги электрон хизмат тури яратилди. Эндиликда соҳа вакиллари қайси турдаги статистик ҳисобот шакллари тақдим этишлари лозимлигини Давлат статистика қўмитаси расмий сайтыда ташкил этилган мазкур хизмат тури орқали онлайн усулда билиб олишлари мумкин.

ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

барқарор иқтисодий юксалишда устувор аҳамият касб этмоқда



Чорак асрлик мустақил тараққиёт йўлимиз тажрибаси шуни кўрсатаяптики, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳаси мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистонимизда қўлай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий қафолатлар яратилиб, мулкдорлар синфини шакллантиришга устувор аҳамият қаратилаётганининг боиси ҳам шунда.

йилнинг 1 июль ҳолатига қадар 354 мингдан ортиқ фирмалар номи захирага олинди.

Бундан ташқари, 2015 йилдан тадбиркорлик субъектлари учун янада қўлай бўлган маълумотлар йиғиш тизими амалиётга татбиқ қилинди. Унга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари давлат статистика ҳисоботларини йилда бир мартаба тақдим этишмоқда. Йирик тадбиркорлик субъектлари учун эса илгари амал қилган 5 та ойлик ҳисобот шакллари бирлаштирилиб, ягона такомиллаштирилган давлат статистика ҳисоботи жорий этилди.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари фаолияти тўғрисида зарур ва тезкор маълумотлар олинишида танланма кузатувлар тизими кенгайтирилгани айтиш мумкин бўлаётган. Унга биноан, кичик кор-

жаси, молиявий-иқтисодий ҳолати, ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам ўрганилаётгани диққатга сазовор.

Давлат статистика тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларига статистик ҳисоботларни тақдим этиш жараёनларини янада енгиллаштиряпти. Бу борада статистик ҳисоботларни интернет орқали электрон тақдим қилиш тизими (eStat 2.0)нинг қўлланила бошлангани алоҳида қайд этиш лозим. Негаки, ушбу тизим орқали барча турдаги давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда кечаю кундуз тақдим этиш имконияти мавжуд.

Умуман олганда, сўнгги 5 йил давомида давлат статис-

тика статистика қўмитаси ва ҳудудий статистика бошбўй таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам ўрганилаётгани диққатга сазовор.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуни ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: "Хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур". Зеро, бундай устувор вазифалар замирида, энг аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, одамлардаги ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш, уларнинг даромадини ошириш, турмуш фаровонлиги ҳамда ҳаёт даражасини юксалтириш каби эзгу мақсад-муддаолар мужассамдир.

Ш. УМИДОВ,
вилоят статистика бошқармаси Тадбиркорлик ва банк-молия хизматлари статистикаси бўлими бошлиғи.

ЭКИН – ДЕҲҚОН
МЕҲРИДАН ЯШНАЙДИ

Масалан, культивацияни келтирсангиз ердан нам кўтарилиб, кесак кўчади ва ғўзанинг илдизига зарар етади. Мабоодо, бу ишни мuddатидан олдинроқ бажарсангиз, тупроқ зичлашиб, илдизнинг нафас олиши ва эркин ривожланиши сусаяди. Сув ҳам шундай. Кечиктирилгани

ҳосил нишонларининг тўкилишига, барвақт берилгани бўйга зўр бериб, ҳосил чўғининг пасайишига сабаб бўлади.

Фермер ҳақ. Ҳақиқатдан ҳам ғўза жуда меҳрталаб. Уста деҳқонларимизнинг "Экин – деҳқон меҳридан яшнайди", деган ҳикмати беҳиз эмас.

– Ғўзани тунги "шарбат"

усулида, яна эгулвучан қувурлар орқали суғорайётганимиз яхши самара бормоқда, – дейди ҳўжалик сувчиси Ўринбой Усмонов. – Жумладан, ерда намлиқнинг узок вақт сақланиши, сувни тежаш ва, айниқса, ҳар тупда 30 тагача бўлиқ кўсак бўлишига замин яратаяпти.

Дарҳақиқат, бўлиқ кўсаклар сифатли тола ва юқори ҳосилдорлик гарови. Шу боис, кўсакларнинг тўкилиши ва касалликка чалинишининг олдини олишда асад ойда бажариладиган амалларнинг оби-тобида бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бободехқонларнинг "Асад – экиннинг ясат", деган иборасида ҳикмат кўп.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

ТОЗА ҲАВО – ТАНГА ДАВО

Вилоятимизда аъёнавий "Тоза ҳаво" тадбирининг жорий йилдаги иккинчи босқичи бўлиб ўтмоқда.

□ Экология

Вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ташкил этилаётган тадбирларда соғлиқни сақлаш, ички ишлар бошқармалари, Республика саломатлиги ва тиббий статистика институти вилоят филиали, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, туман ва шаҳар табиати муҳофаза қилиш инспекциялари мутахассислари иштирок этмоқда.

Тирик жон борки, кислород ва бошқа кўплаб муҳим микроэлементлар манбаи

бўлган тоза ҳавосиз яшай олмайди. Кейинги йилларда ер юзидан антропоген омиллар таъсирида юзага келадиган турли экологик муаммолар ва кундан-кунга сони ортиб бораётган автотранспорт воситалари ҳавонинг ифлосланишига сабаб бўлаётган.

Дунёда кузатилаётган шу ва бошқа муаммоларни инобатга олиб, мамлакатимизда автотранспорт воситаларини экологик соф газ ёқилғисига ўтказиш, санатор хоналарини техник ва техно-

логик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда соф ривожланиш механизмларини жорий этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

– Жорий йилнинг апрель-май ойларида ўтказилган "Тоза ҳаво" тадбирининг биринчи босқичида 10 мингдан ортиқ автотранспорт воситасининг техник ҳолати кўздан кечирилди, бир неча ёқилғи қўйиш шаҳобчалари, техник кўрикдан ўтказиш станцияларида экологик назорат ишлари олиб борилди, – дейди вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси атмосфера ҳавосини муҳофаза ва назорат қилиш инспекцияси

бошлиғи Хуршид Пиров. – Иккинчи босқичда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайтирилади. Бундай чора-тадбирлар туфайли мамлакатимизда ҳавога чиқарилаётган зарарли моддаларни сезиларли миқдорда камайтиришга эришилаётган. Буларнинг барчаси табиий мувозанатни сақлаш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Худудларда ўтказилаётган тадбирларда давлат экологик назоратини юритиш билан боғлиқ устувор вазифалар, "Тоза ҳаво" тадбирини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, амалий механизмларига оид ўқув-усулий, тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилаётган.

И. АВВАЛБЕКОВ,
Ў.А. муҳбири.

Реклама ўрнида

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
Тошкент вилояти бўлими

вилоят аҳолисини она Ватанимиз

Мустақиллигининг

25 йиллик

шодиёнаси билан чин юракдан

муборакбод этиб, барчанинг

хонадонига файзу барака,

оиласига тотувлик тилайди.

Замон фалсафаси

ДАВРУ ДАВРОН
ҲАҚИДА ЎЙЛАРХудойберди ТЎХТАБОВЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

– Бугунги эминлик, эркинлик кадрини ҳаммадан кўра ким кўпроқ билади, тушунади, англайди десалар, ўтган тузумнинг оғир ва мусибатли йилларида ўғлини кута-кута зорикқан, чехрасини ажин қоплаган муштипар онаизор, даласидан айро тушиб, совуқ ўлкаларда дуркун ёшлигини ўтказган жисми ушоқ, юраги хаста оғаларим, кўпкари ҳуморидан тунлари ойдин далада тулпорига суняиб йиғлаган полвон эрлар, шахид кетган нуридийдасига жаноза ўқитмоқ учун тўраларга жавдираб ёлворган мотамзада оналар, сингиллар сиймоси доимо кўз ўнгимдан ўтади...

Яқин тарихимизда содир бўлган бу ўширлар мустақиллик боласига қайғули эртас бўлиб туюлади. Ишонмайди. Мен бу ораста, шўх-шаён болаларга доимийда, кўзларида ҳасрат, мунг ифодасидан асар ҳам йўқлигидан, кўксидан улуғвор ораулар барқ ураётганидан энтиқиб, ҳаяжонга чўмман. Авжи болалигим уруш йилларига тўғри келган – очлик, юпунлик, етишмовчилик нималигини жуда яхши биламан...

Истардимки, жаҳонга бўйлашаётган

ўзбегим ёшлари қачон ва қаерда бўлмасин, ўз тарихи ҳақида фахрланиб, тўлиб-тошиб сўз айта олса, жоноҳон тарихини севиб ўрганса, ўзлаштирсин. Тарихнинг тахир кунларини, у дамлар сабогини мудом хотирда тутса...

Бинобарин, миллий ғурурни юксалтирадиган омилларнинг сараси ҳам тарих билан қуролланишдир. Тарихни билиш – ота-боболар тутумини билиш, демакдир. Бугун нуруний ёшга кириб, хонадонлар тўрида ёшларга дуоғўйлик қилиб ўтирган буви ва боболар ана ўша тарихнинг тирик гувойи, боқий қўшиқларни қалб тўрида асраб-сақлаб келадиган қаҳрамонлардир. Кексаларни эъзозлаш деганда, аввало, мана шу омиллар назарда тутилган бўлса, не ажаб...

Аллоҳга шукри, бугунги дориламон кунларни кўриш менга насиб қилди. Бугун тиззамда ўтириб: "Бобоҳон, эртас айтиб беринг", деб чучукланаётган набирагинам эртага дунёни тебратилишига, меннинг борлигим – мана шу мусаффо олам, муаззам заминни астойдил асраб-авайлашига ишонаман.

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарт билан "ноль" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

№	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Балансда сақловчининг фаолият ихтисоси	Объектнинг тавсифи	Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм)	Объект негизида ташкил этиладиган фаолият йўналиши	Инвестиция киритиш муддати (йил)	Янги ташкил қилинадиган энг кам ишчи ўринлар соғи
1	Жанубий кон бошқармасининг 1-сонли автоколоннаси	Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани ҳудудид	"Навоий кон-металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармаси	Маъмурий бошқарув	Девор-ғишт, том-бет.плита, пол-тахта	500,0	-	2	20
2	"Бўш турган маъмурий биноси"	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Иванова кўчаси, 5-уй	Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пипшан ғишт, том-бет.плита	50,0	-	3	5
3	"Қурилиши тугалланмаган тураржой бино ва иншооти"	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, 5/2-кичиқ ноҳия	Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пипшан ғишдан қурилган	500,0	-	2	5
4	"Ярим ер тўла биноси"	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, 31-даҳа, 9-уй	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пипшан ғишт	100,0	-	1	10
5	"Фойдаланилмаётган ҳаммом биноси"	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Наврўз кўчаси, 1-уй	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Том-бет.плита, ғишт	60,0	-	1,5	5
6	"Бўш турган автокорхона бино ва иншооти"	Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор ШФЙ ҳудуди	Чиноз тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пипшан ғишт	100,0	-	3	15
7	"Нотураржой биноси"	Ангрэн шаҳри, 5/3-даҳа ҳудуди	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пипшан ғишт	30,0	-	1	3
8	"32-сонли мактабнинг бўш турган биноси"	Бўқа тумани, "Паркент" фермер ҳўжалиги	Бўқа тумани ХТМТТЭБ	Таълим	Пипшан ғишдан қурилган	500,0	-	2	20
9	"Сув бошқармасининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари"	Ангрэн шаҳри, Янгиобод кўрғони ҳудуди	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пипшан ғишдан қурилган	500,0	-	2	25
10	"Ёшлик" спорт залининг бўш биноси"	Бекобод шаҳри, 11-даҳа, С.Раҳимов кўчаси	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пипшан ғишдан қурилган	700,0	-	1,5	15
11	"Маданият уйининг фойдаланилмаётган биноси"	Паркент тумани, Бошқизилсой ҚФЙ, Невитч кўрғони	Паркент тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	Маъмурий бошқарув	Пипшан ғишдан қурилган	500,0	-	2	10
12	"Ғишт инвест" МЧЖнинг ётоқхона биноси	Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси	"Ғишт инвест" МЧЖ	Тураржой биноси	Пипшан ғишдан қурилган	75,0	-	1	Тураржой
13	"Қурилиши тугалланмаган спорт зали биноси"	Оҳангарон тумани, Телов ҚФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимияти	Маъмурий бошқарув	Пипшан ғишдан қурилган	1500,0	-	2	40
14	"Фельдшерлик участкасининг бўш турган биноси"	Оҳангарон тумани, Озодлик ҚФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимияти	Маъмурий бошқарув	Пипшан ғишдан қурилган	400,0	-	2	20
15	Фойдаланилмаётган "Янгиовул" клуби биноси	Бўстонлик тумани, Янгиовул ҚФЙ	Бўстонлик тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	Маъмурий бошқарув	Пипшан ғишдан қурилган	1200,0	-	2	10
16	"Ярим ер тўла биноси"	Чирчиқ шаҳри "Ҳамза" МФЙ, Заковат к., 20-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	Пипшан ғишдан қурилган	600,0	-	1,5	15

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари эътиборига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Давлат қўчмас мулк объектларини тўғридан-тўғри музокаралар (оферта) йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.

№	Давлат объекти номи	Бинонинг умумий майдони (кв.м.)	Умумий ер майдони (га)	Объект манзили	Балансда сақловчи	Объектнинг бошланғич нархи (сўм)	Савдо кўни 2016 йил 27 сентябрь соат 11.00 да
							Объектнинг сотиш қиймати (сўм ва фойз кўриниши)
1	Собиқ "Ғунча" болалар боғчаси биноси	580,21	0,470	Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ, «Қизилсой» маҳалласи	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	400 912 000,0	200 456 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
2	"Универсам" дўкони биноси	1395,73	0,365	Ангрэн шаҳри, Қизилтоғ кўрғони (Красногорск)	"НҚМК" ДҚнинг Жанубий кон бошқармаси	771 036 000,0	385 518 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
3	"Шарқ" МЧЖнинг 25 фойз давлат улуши	-	-	Қибрай тумани Май ҚФЙ, Дўстлик кўрғони	"Шарқ" МЧЖ	4 205 157 000,0	2 102 578 500,0 (50 фойзга камайтирилган)
4	"Келес-Шароб" МЧЖнинг 25 фойз давлат улуши	-	-	Зангиота тумани, Келес шаҳри, Ўзбекистон-14	"Келес-Шароб" МЧЖ	1 926 788 000,0	963 394 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
5	"Қозонхона бино-иншоотлари"	800,12	0,08	Бекобод шаҳри, Саноат ҳудуди	Бекобод шаҳар "Иссиқлик манбаи"	374 462 000,0	187 231 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
6	"Собиқ болалар боғчаси бино-иншоотлари"	428,75	0,270	Оққўрғон тумани, Оққўрғон массиви, Дўстлик ҚФЙ, 6-бўлими	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	181 000 000,0	90 500 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
7	"34-сонли умумтаълим мактабнинг болалар боғчаси бино-иншоотлари"	828,32	0,690	Оққўрғон тумани, Сегизбоев массиви, 2-бўлими	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	378 010 000,0	189 005 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
8	"9-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари"	898,59	0,520	Чиноз тумани, Эски-Тошкент ҚФЙ, Улуғбек кўчаси	Чиноз тумани ҳокимлиги	353 506 000,0	176 753 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
9	"Орзу" болалар дам олиш маскани бино-иншоотлари"	2277,4	4,500	Оҳангарон тумани, Айрисой кўрғони	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	2 470 781 000,0	1 235 390 500,0 (50 фойзга камайтирилган)
10	"15-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари"	581,38	0,61	Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ, Завод кўчаси	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	326 690 000,0	163 345 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
11	"Собиқ 22-сонли умумтаълим мактаби" биноси	891,98	0,670	Янгийўл тумани, Шўралисой ҚФЙ, Ҳақиқат кўчаси	Янгийўл тумани ҳокимлиги	866 186 000,0	692 948 800,0 (50 фойзга камайтирилган)
12	"Собиқ 17-сонли болалар боғчаси" биноси	2277,68	1,100	Янгийўл тумани, «Тонг» маҳалласи	Янгийўл тумани ҳокимлиги	1 975 079 000,0	1 580 063 200,0 (50 фойзга камайтирилган)
13	"17-сонли болалар боғчаси" биноси	1039,11	1,047	Ўрта Чирчиқ тумани, Пахтакор ҚФЙ, «Бешбой» маҳалласи	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	653 498 000,0	522 798 400,0 (50 фойзга камайтирилган)
14	"Қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар"	6349,29	10,000	Бўстонлик тумани, Чимён ҚФЙ ҳудуди	"Ягона буюртмачи хизмати" ижзиниринг компанияси	11 681 965 000,0	9 345 572 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
15	"Қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар"	1110,6	0,266	Янгийўл тумани, Нуридипова кўчаси, 38-уй манзилда жойлашган	Янгийўл тумани ҳокимлиги	889 886 000,0	711 908 800,0 (50 фойзга камайтирилган)
16	"Сойлик" клуби биноси	669,04	0,0669	Бўстонлик тумани, Сойлик ҚФЙ ҳудудид	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	1 358 730 000,00	1 358 730 000,0
17	"Бўрчмулла заргарлик заводи"нинг фаолият кўрсатмаётган мулкий мажмуаси	4801,69	2,2	Бўстонлик тумани, Бўрчмулла қишлоғида жойлашган	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	6 635 818 000,00	6 635 818 000,0
18	"Собиқ 44-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари"	418,4	0,351	Бўстонлик тумани, Напай қишлоғи ҳудудид	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	1 501 843 000,00	1 501 843 000,0
19	"Диспансер бино ва иншоотлари"	2534,98	2,127	Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Охунбобоев кўчасида жойлашган	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	2 907 315 000,00	2 907 315 000,0
20	"Чирчиқ ғишт сут савдо" МЧЖнинг устав фондидаги 25,1 фойз давлат улуши	6979,95	2,6	Бўстонлик тумани, Озодбой ҚФЙ, Наврўз кўчаси, 1-уй	"Чирчиқ ғишт сут савдо" масъулияти чекланган жамияти	1 734 600 000,00	1 734 600 000,0

Объектлар тадбиркорлик субъектлари томонидан мукамал таъмирланиб, уй-жой сифатида сотилади. бунда бунёд этилган уй-жой фондининг 20 фойзи аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига, хусусан, вояга етмаган етим болалар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида маҳаллий туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилади.

Инвестиция киритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 йил давомида сақланади.

Танловда ғолиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатида, бунда баҳолашга келадиган сарф-харажатлар танлов ғолиби томонидан қопланади.

Инвестиция киритиш шарти билан "ноль" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектнинг 60 фойздан кам бўлмаган ҳудуди (бино ва иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлар 2016 йил 28 сентябрь кўни, соат 9.00 да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг 4-қаватидаги конференция залида очилади.

Танловда қатнашиш учун муҳрлаб қўйилган таклифлар олиш 2016 йил 23 сентябрь кўни, соат 18.00 да ҳамда танлов бўлиб ўтмаганда оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган санасидан камида икки иш кўни олдин тўхтатилади.

Танлов савдоси ушбу кўни бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрорий савдолар ҳар ҳафтанинг chorshanba кўнлари, соат 9.00 да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатларида ва қўшимча маълумотларни олиш мўмкин бўлган манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 107-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-29-77. Факс: (0-371) 268-29-44. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.tashvil.gov.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қўнун билан қўрикланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Тошкент вилояти рақобат бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонларига, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлигининг (0-371) 232-80-25 телефон рақамига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

- нодавлат юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатлари нусхаси ҳамда ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда, шунингдек, қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

- икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифи, унда қуйидагилар бўлиши керак:

- бизнес-режани бажариш, асбоб-ускуналар етказиб бериш (назарда тутилган бўлса) муддатлари, ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулот турлари ёҳуд кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг рақобатбардошлилиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, қўтилаётган иқтисодий самара кўрсатилган бизнес-режа, шу жумладан, инвестиция киритиш режаси;

- инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг тури, муддати ва уларни бажариш, шу жумладан, давлат мулки объектини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан ҳўжалик жиҳатидан фойдаланиш шартлари;

- талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлиги ва (ёки) тегишли тармокда илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- тақдим этилган ҳужжатларнинг барча арақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 107-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-29-77.

Факс: (0-371) 268-29-44. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.tashvil.gov.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қўнун билан қўрикланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Тошкент вилояти рақобат бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонларига, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлигининг (0-371) 232-80-25 телефон рақамига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат вакили бошланғич нархининг 15 фойзидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан сотувчининг қуйидаги банк реквизитларига бошланғич тўлов пули сифатида тўлашлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси: газначилик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000002, ИНН 200555539, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХҚКМ х/р: 23402000300100001010, ИНН 201122919, МФО 00014.

Оммавий оферта савдоларига қатнашишга буюртманомана қабул қилиш, билдиришномана эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришноманада кўрсатилган оммавий оферта савдоси ўтказилишидан уч иш соати олдин тамом бўлади.

Оммавий оферта савдоларини ўтказишнинг дастлабки кўни 2016 йил 27 сентябрь ва офертанинг ҳар 15 кунда бир маротаба даврийликда бўлиб ўтадиган саналари 27 сентябрь, 12 октябрь, 27 октябрь, 11 ноябрь, 28 ноябрь, 13 декабрь, 28 декабрь, 2017 йил 12 январь, 27 январь, 13 февраль, 28 февраль ва 15 март кўнлари соат 11.00 да ўтказилади.

Бунда, биринчи офертани ўтказишда таклиф этиладиган сотиш нархи объектини оммавий савдоларга қўйишдаги дастлабки бошланғич нархда, кейинги оферталарни ўтказишда (савдоларда сотилмаган тақдирда) - нарх босқичма-босқич ҳар 15 кунда 10 фойзга пасайтирилади, лекин, бу дастлабки аукцион (танлов)га қўйилган нархининг 50 фойзидан паст бўлмайдиган ҳамда савдога қўйиш нархи дастлабки савдога қўйиш нархининг 50 фойзигача пасайтирилгандан кейин 3 (уч) ой туради.

Оммавий офертага қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани тақдим этади:

1. а) Юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

б) Жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ваколатли вакил оммавий офертада қатнашган тақдирда, қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

2. Оммавий оферта тўғрисидаги билдиришноманада сотувчининг кўрсатилган банк ҳисоб рақамига бошланғич тўлов пули сифатида тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

3. Елимлаб озги ёпилган конвертга солинган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлари: сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

- инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари (агар мавжуд бўлса);

- агар бу оммавий оферта шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллиги ва (ёки) тегишли тармокда олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мўмкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча арақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 107-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-27-29, факс: 268-29-77. E-mail: tashreg@gki.uz.

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қўнун билан қўрикланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Худудлардан
хабарлар

Мамлакатимиз мустақиллигининг кутлуг йиғирма беш йиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида жойларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Қибрай туманида ўтказилди. Вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан уюштирилган тадбирда турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган касба уюшмалари ташкилотлари аъзолари, ёшлар, меҳнат фахрийлари ҳамда оммавий ахборот восита-

ЭЪТИБОРДАН
МУНАВВАР ДИЛЛАР

лари ходимлари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз фаровонлиги, аҳолининг турмуш даражаси юксалишига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Истиқлол йилларида халқимизнинг дунёқараши ва меҳнатга муносабати тубдан ўзгарди, – дейди вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Ш. Собиров. – Бу каби тадбирлар эса мана шу жиятларни ўзида намойён этаётир.

Шунингдек, тадбир доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга замонавий маиший техника

воситалари топширилди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида 8 нафар аёлга касба уюшмалари тизимидаги соғломлаштириш масканларида саломатлигини тиклаш учун йўланма берилди.

Санъаткорлар ижросидаги Ватан, тинчлик ва дўстликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар йиғилганларга байрамона кайфият бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Касба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т. Норбоева иштирок этди.

Ф. РАВШАНОВ,
Даврон АХМАД
олган сурат.

ОҚИБАТ МАНЗИЛИ

бўйича мусобақа ва висториналар ташкил этилиб, голиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури барчага манзур бўлди.

Ўз мухбиримиз.



Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

ТАСВИРЛАРДА ОРЗУЛАР АКСИ

Зангиоталик Шахзод Сайфуллаев куни кеча Қашқадарё вилотида бўлиб ўтган "Юрт келажиги – 2016" кўрик-танловининг республика босқичида амалий санъат, ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича 1-ўринни қўлга киритди.

Зиёли оилада таваллуд топган ёш ҳайкалтарош отаси изидан кетди. Тумандаги 14-умумтаълим мактабиде ўқиб юрган кезларидаёқ у чизган расмлар устозлари, мактабдошларининг назарига тушди. У тайёрлаган деворий газеталар барчада катта қизиқиш уйғотди.

2013 йилда "Ёш геолог" олимпиадасининг республика босқичида иштирок этган моҳир мусаввир 2-ўрин соҳиби бўлди. Шахзоднинг иқтидори келажига йўл очди. Мактабни тамомлагач, Республика расмчилик коллежининг ҳайкалтарошлик йўнали-

"Юрт келажиги – 2016" кўрик-танлови голиби бўлди.

– Меън портрет, композицияга қизиқаман, гуллар шайдосиман, – дейди Шахзод. – Ишларимда нафислики акс эттиргим келади. Иш куралимида нафислики акс эттиргим келади. Иш куралимида нафислики акс эттиргим келади. Иш куралимида нафислики акс эттиргим келади.

Нозима РАСУЛОВА,
Тошкент ҳақиқати
мухбири.

Реклама ўрнида

Банк хусусий секторни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларида ажратаётган кредитлар қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес субъектларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2009-2016 йиллар давомида кичик бизнес субъектларига 2 402 708 млн. сўм, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 427 138 млн. сўм, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 536 706 млн. сўм, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга 304 605 млн. сўм маблағ ажратилди. Молиялаштирилган бизнес лойиҳалар ҳисобига ўтган етти йил давомида 20 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

2010-2016 йиллар давомида имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан 23. 204 млн. сўм маблағ ажратилди. Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 109. 682 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 716. 988 млн. сўм йўналтирилди.

Банк касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини бизнес соҳасига жалб этиш мақсадида имтиёзли кредитлар йўналтирмоқда. 2011-2016 йилларда битирувчиларга тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун 62. 734 млн. сўм кредит берилди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу кредитлар ҳисобига юзлаб битирувчилар ўз бизнесларини ривожлантирмоқда.

2016 йилнинг ўтган етти ойи давомида кичик бизнес субъектларини молиялашга йўналтирилган кредит-

лар 517,6 млрд. сўмдан ошди. Шу даврда аҳолининг фаол қисмига шахсий бизнесини ташкил этиш учун 152 млрд. сўм микрокредитлар ажратилди.

"Қишлоқ қурилиш банк" мамлакатимизда амалга оширилаётган дав-

лаш чиқаришни кўпайтириш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Банкнинг Тошкент вилояти минтақавий филиали ҳам тадбиркорлик субъектларига замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатмоқда. Шу йилнинг 31 июль ҳолатига филиал

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» –
ТАДБИРКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, корхоналар ўртасида ҳолис рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг мамлакат экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантиришда банк тизимининг ҳиссаси тобора салмоқли бўлиб бормоқда. Акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк" ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнида фаол иштирок этаётган етакчи тижорат банкларидан биридир. Бугунги кунда банкнинг 42 та филиали, 48 та минибанки, 186 та шахобчалари 692 мингдан зиёд жисмоний ва юридик шахс мақомидаги миқозларга хизматлар кўрсатмоқда.

лат дастурлари ижросига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жумладан, "Республика ҳудудларини 2013-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури"га асосан 2016 йилнинг ўтган етти ойи давомида 3272 та янги иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи 487 та лойиҳа 38,6 млрд. сўм кредит билан таъминланди.

Банк тузилмалари жойларда кичик бизнес корхоналари билан ҳамкорликда қатор бизнес лойиҳаларини амалга оширмоқда. Бу, ўз навбатида, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини тўлароқ таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, харидоргир маҳсулотлар

тадбиркорларга ажратган кредитлар 45,5 млрд. сўмни, шундан узоқ муддатли кредитлар 45 млрд. сўмни, қисқа муддатли кредитлар эса 529 млн. сўмни ташкил этди. Шу даврда кичик бизнес субъектларига жами 7,7 млрд. сўм микрокредит ажратилди.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish, асосан қишлоқ жойларда замонавий, юксак самарали техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи илҳам корхоналар барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини ташкил этиш мақсадларига банк филиали

"Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциациясининг вилот бўлими ташаббуси билан Чиноз туманида "Саноат соҳасидаги энг яхши тадбиркор аёл" танловининг вилот босқичи бўлиб ўтди.

Танловда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аёлларни иқтисодий ислохотларга жалб этишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошираётган ишбилармон аёллар фаолияти эътироф этилди.

– Аъзоларимиз 354 нафарга

АЁЛЛАРГА АТАЛГАН БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАР

етди, – дейди Чиноз тумани ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси Нилуфар Нишоновна. – Маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликда тадбиркорлик билан шуғулланишни хоҳловчи уй бекалари ва коллеж битирувчиларига банк хизматларидан фойдаланиш юзасидан йўл-йўриқлар кўрсатаймиз. Мақсадимиз – уй бекаларини иш билан таъминлаш, оилалар фаровонлигини ошириш.

Анжуман якунида аёлларни

иқтисодий ислохотларга жалб этишга оид лойиҳаларни амалга оширишдаги фаол иштироки учун янгиёуллик ишбилармон Мамлакат Иброҳимова I даражали диплом билан тақдирланди. Шунингдек, бир гуруҳ катнашчиларга "Тадбиркор аёл" ассоциацияси вилот бўлимининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Норғис ҲАСАНОВА,
Тошкент ҳақиқати мухбири.

Жараён

Халқимиз ўзининг энг улуг, энг азиз байрами – мамлакатимиз Истиклолининг кутлуг 25 йиллигини катта қувонч, юксак орзу-умидлар билан қарши олмақда. Одатда, бундай сурурбахш онларда ҳар бир соҳа, ҳар бир жабҳада меҳнат қилаётган инсонлар юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотлар изчиллиги, фаровон турмуш барқарорлигига муносиб ҳисса қўшишга интилиши табиийдир.

МАСЪУЛИЯТ – ҲАР
ИШНИНГ МЕЗОНИ

Шундан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўздавнефтегазиспекция" ва унинг ҳудудий бўлимлари жамоалари аҳоли фаровонлиги учун қўндалик зарур бўлган табиий бойликлариимизнинг беҳуда исроф қилиниши, талон-торожликларга йўл қўйилиши устидан мунтазам назорат олиб бораёпти.

Масалан, солиқ, ички ишлар, тегишли ҳокимлик идоралари билан ҳамжиҳатлиқда амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли, автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаларида қонунбузилиш ҳолатларининг олди олиниб, ёқилғи таъминотининг барқарорлигига эришилаёпти. Шахобча раҳбарларининг масъулиятини ошириш мақсадида тегишли чоралар қўриллаётгани туфайли кейинги пайтларда аҳолига нефть маҳсулотларини сифат ва миқдор жиҳатдан тўри етказиб бермаслик борасидаги иллатлар барҳам топи бораёпти.

Амалдаги тартиб ва таомилларга зид, ўзбо-

ХУШЁРСИЗ –
ХОТИРЖАМСИЗ

Ҳар бир уй соҳибаси рўзгор юмушларини бажаришда газ ва электр жиҳозларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиши лозим. Қўндалик турмушимизда ўзи оддий, аммо аҳамияти катта бўлган бундай йўл-йўриқларга амал қилиш ёнгин билан боғлиқ қўнғилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Оддий бир мисол. Шу йил июль ойида Зангиота туманидаги хонадонларнинг бирида ёнгин чиқди. Олов зўрайиб, ён-атрофдаги иккита хонадонга тарқалди. Фалокатга сабаб эса электр симларининг қисқа туташуви бўлган. Оқибатда атрофдагилар ҳам зарар кўрди.

Қайси бир хонадон, идора ёки ташкилот табиий газдан нотўғри фойдаланса, техник талабга жавоб бермайдиган газ ускуналарини ишлатса, электр тармоқлари ва очик оловдан фойдаланишда эҳтиётсизликка йўл қўйса, ўша жойда ёнгин чиқиши эҳтимоли ортаверади.

Шундай экан, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилайлик. Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан доим хушёрликни талаб этади.

Малика ХОЛМАТОВА,
вилот ИИБ ЁХБ диспетчери.


МУСАФФОЛИК ЗАВОЛИ

Ёзнинг жазирасини кузнинг салқин кунлари эгалламоқда. Табиийки, бу пайтда кўча ва очик майдонларда ҳазон ва қуриган шох-шаббалар тўплана бошлади. Одатда кўра, ҳазонрезги мавсумда ушбу чиқиндиларни йиғиштириш ва йўқотишга ҳаракат қилинади.

Ақсарият ҳолларда туттун артоф-муҳитга зарарли эканини била туриб, ҳазонларни ёкиб юборишдади. Айниқса, мактаб, боғча ва бошқа ташкилотлар атрофида бунга йўл қўйиш хавфлидир. Маълумки, ёкиб юборилган ҳазон, шох-шаббалар туттунга зарарли моддаларга тўйинган бўлиб, ўпка орқали қонга сўрилади, натижада одам саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади. Бу нафақат одамлар, балки ён-атрофдаги ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсига, шунингдек, ернинг унумдор қатламига ҳам зарар етказиши.

Қоидаларга риоя этиб, лоқайдликка йўл қўймасак, ҳар кунимиз тинч ва осуда ўтади, соғлиғимизга зиён етмайди.

Ақром ЙЎЛДОШЕВ,
Оҳангарон туман ИИБ ЁХБ бошлиғи.

ОБ-ҲАВО
МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 27 август куни Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлади, ёнғинарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёнғинарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-21, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёнғинарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Банк ахборот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

Спорт хабарлари

КРИШТИАНУ — ЕВРОПАДА ТЕНГСИЗ

2016/17 йилги Европа Чемпионлар лигаси гуруҳ босқичига қуръа ташлаш маросими якунига етгач, ўтган мавсумнинг Европадаги энг яхши футболчиси аниқланди.



Овоз бериш натижасига кўра, Португалия термаси ва "Реал Мадрид" клуби ҳужумчиси Криштиану Роналду 2015/16 йилги мавсумнинг Европадаги энг яхши футболчиси, деб тан олинди.

Ўтган мавсумда 31 ёшли футболчи "Реал" сафида ЕЧЛ голиби бўлди. Португалия терма жамоаси таркибиде эса Евро – 2016 чемпионга айланди. Эслатиб ўтамиз, ушбу мукофотга Франция термаси ва "Атлетико" клуби ҳужумчиси Антуан Гризманн ҳамда Уэльс термаси ва "Реал Мадрид" вакили Гарет Бэйл даъвогарлик қилганди.

ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЖўНАБ КЕТИШДИ

Колумбияда бўладиган футзал бўйича Жаҳон чемпионатида иштирок этадиган футзалчиларимиз Эрон, Португалия, Испания ва Италияга қарши ўртоқлик ўйинлари ўтказишни режалаштирган.

Эронга йўл оладиган Хосе Мария Мендес шогирдлари амалдаги Осиё чемпионига қарши иккита ўртоқлик учрашувини ўтказди. Эрондан кейинги манзил Португалия бўлиб, бу ерда ўзбекистонлик футзалчиларни яна 2 та баҳс кутиб турибди. Дастлаб 1 сентябрь кuni Португалия термасига қарши, эртасига – 2 сентябрь кuni Европанинг амалдаги чемпиони – Испанияга қарши ўйин ўтказиш белгиланган. Испаниядаги 3 кунлик йиғиндан сўнг спортчиларимиз Колумбияга жўнаб кетади. Колумбияда 7 сентябрь кuni Италияга қарши ўртоқлик учрашувда майдонга тушадиган футзалчиларимиз чемпионати 10 сентябрь кuni Панама терма жамоасига қарши ўйин билан бошлайдилар.



САНЖАР ТУРСУНОВ ҚАДРДОН ЖАМОАСИГА ҚАЙТДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси Санжар Турсунов Қатарнинг "Умм Салал" жамоасида маълум муддат тўп сургач, яна эски жамоаси – "Ворскла" билан шартнома имзолади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида 49 ўйинда иштирок этиб, 5 та гол урган тажрибали ўйинчимиз ўз вақтида "Ворскла" сафида 61 та беллашувда иштирок этган ва 10 та гол уриб, 9 та голли пас узатган ҳолда, энг сермаҳсул футболчилардан бирига айланган эди.

ҲУМОЮН — ЭНГ ЁШ НОМЗОД

Олти яшар шахматчи – ҳамюртимиз Ҳумоюн Бекмуродов спорт усталигига номзодга айланди. Шу муносабат билан ФИДЕ президенти Кирсан Илйумжинов ёш спортчига табрик мактуби йўллади.

Эслатиб ўтамиз, Ҳумоюн Бекмуродов жорий йил апрель ойида Мўғулистоннинг Улан-Батор шаҳрида шахмат бўйича 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, 9 имкониятдан 7,5 очко жамғарган ҳолда Осиё чемпионига айланган эди.

МЕН — МУСТАҚИЛЛИК АСКАРИМАН!

(Дўстим, катта лейтенант Ё. Аҳмедовга)

Салом, Ёлқин!
Биласанми, сен билан охириги марта учрашганимиздан кейин ҳарбийликка қизиқишим янада ортди. Чунки ўша кунни сен катта лейтенант ҳарбий унвонини олган, мен эса бир-икки кундан кейин ҳарбий хизматга кетадиган эдим. Тўғриси, ўша кунни хизматдошларим билан муносабатинг, юриш-туришингни кўриб, ич-ичимдан сенга ҳавас қилдим.

Мана, ҳарбий хизматга келганимга 12 кун бўлди. Шу вақт ичида чиқарган хулосамни айттайми? Мен 18-20 ёшларимда армияга келганимга афсусландим. Фейлимадаги бир оз дангасалик, бир оз тартибсизлик 18-20 ёшларимда бартараф бўлганида ҳозир кўп нарсаларга эришган бўлардим. Тўғри, ҳозир ҳам ёмон эмас. Академик лицейни битирганимдан кейин институтнинг бакалавр йўналишида ўқидим. Кейин магистратура. Бошқалар ҳавас қиладиган, ўзимнинг ҳам кўнглимни тўлдирадиган иш жойим, касбим бор. Лекин барибир армияга эрталоқ келишим, тартибли ҳаёт нималигини, ҳарбийлик қанақа бўлишини аввалоқ кўришим керак экан.

Ёлқин, академик лицейда ўқиб юрган пайтларимиз эсингдами? Чақириқча ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчимиз Соҳиб Ботировнинг ўргатганларичи? Ўшанда армияга, ҳарбий ҳаётга, аскарча юриш-туришга қизиқиб, жуда кўп саволлар берардим. Устоз ҳам эринмай, барча саволларга жавоб берар, амалда бажариб ҳам кўрсатарди. Ҳарбий хизматнинг илк кунинда бизга сафда туриш ва юриш, юзурш ва бошқа машқларни ўргатишди. Буларни қийинчиликсиз удаладим. Саккиз йил аввал, лицейда ўрганганларим менга ёрдам берди. Лекин шу ҳаракатларни ҳақиқий ҳарбий либосда бажариш барибир бошқача бўларкан.

Гуруҳда 25 аскаримиз. Сафдошларим мени ўзларига сардор қилиб сайлашди. Хуллас, гуруҳ фаолиман. Гуруҳни сафлайман, ўқув-амалий машғулотларга, овқатланишга саф билан олиб бораман, олиб келаман, командириимиз йўғида гуруҳни бошқараман.

Биласанми, "Мустақиллик аскарлари" деган жумланга газетдада ўқиганимда, телевизор ё раёдондан эшитганимда бугунгидай таъсир қилмаган эди. Хизматдошларим билан овқатланаётганимизда, ётоқхонада, ўқув хонаси ёки амалий машғулотларда секингина: "Яшанг, мустақиллик аскарлари!" деб қўяман. Ахир мен ҳам мустақиллик аскариман-да! Бу қалбдан чиқаётган чинакам фахр-ифтихор.

Ёлқин, бу ердаги таассуротларимни умумий қилиб баён этдим, холос. Агар барча жиҳатларини айтсам, ҳикоям ҳали-бери тугамайди. Қолганларини кўришанда гаплашамиз.

Додоҳон МУҲАММАДИЕВ,
оқдод аскар.

Тўрт-беш қария маҳалла-миз тўйхонасида сабзи-тўғрага йиғилдик. Кишлоқ ҳўжалик вазиригидида узоқ ишлаб, пенсияга чиққан, вилоятларни обдон кезиб, кўп ҳаётий хангомаларнинг бевосита гувоҳи бўлган биродаримиз олис кишлоқлардан бирида юз берган хангомани гапириб берди.

Ёши саксонларга бориб қолган бир киши қирқ беш йилдан бери колхозга расислик қиларкан. Ўз вақтида ҳўжаликнинг доврўғини вилоятга таратган "манаман" деган раислардан экан. Аввалига туман, кейин вилоят раҳбарлари кўп уриниб, уни ишдан олишолмапти. Ҳар ҳолда илғор ҳўжаликнинг донгдор раиси-да.

Лекин, барибир, қаловини топишибди. Республикандан вақил келиб, колхоз аъзоларининг тантанали йиғилишини уюштирибди. Раиснинг узоқ йиллик меҳнатларини кўпиртириб мактаб, зарбоф тўн кийдириб, вазирикнинг миннатдорчилигини етказибди ва обрў-этибор билан пенсияга кузатилишини маълум қилибди. Шу билан нафақат ҳўжалик бошқаруви аъзолари, балки колхозчилар ҳам енгилтин олишибди.

Узоқ йиллар катта

жамоага ҳўқмини ўтказиб келган раис "отдан тушса ҳам эгардан тушмабди". Маҳалласида атрофига қоратол экилган каттагина ҳовуз бўлиб, сув бир томондан кириб, иккинчи томондан чиқиб кетаркан. Аҳоли шу сувдан ичаркан.

Хангома

ҲАМОН ЭГАРДАН ТУШМАГАН

Собиқ раис ишсизликка бир ҳафта аранг чидабди. Ахири, эрмак ўйлаб топибди. Ёруғ кунни бир амаллаб ўпказаркан-да, вақт асрдан отган, ҳовуз бўйига чиқиб, тагига курсича кўйиб, ўтириб оларкан. Атрофдаги хонадонлардан челек кўтариб чиққан аёллар ҳовузга яқинлашганлариди:

– Тўхтанг, синглим, ҳўш, хизмат? – деркан.
– Кечки овқатга сув олмакчиёдим...
– Қанақа овқат?
– Мақтава.
– Ундай бўлса, сувни ҳовузнинг бу томонидан олинг.

Бошқа хонадондан чиққан келинни тўхтатиб:

– Сиз нима овқат қилмокчисиз? – деб сўраркан. Бечора келин нима гапчилигини тушунмай, "Ош дахламоқчиёдим" деркан нафаси ичига тушиб.

Хуллас, ҳар кунни шу

– Молбозорга даллолчилик ҳам катта амал фаҳмлайдиган бундай ўпкалар ўзимизнинг маҳаллада ҳам бор, – деди у. – Ана, Мусабой бетон заводининг қасаба уюшмасига бошлиқ қилиб сайланди-ю, ичидаги сиртига чиқди. Бир думалаб ҳақиқатга айланди. Корхона раҳбариятидан тортиб оддий фаррошгача ундан безор. Ҳатто, ярим кечаси уйкусини ҳаром қилиб, тунги сменада ишлаётганларнинг ҳам "кирдикорлари"ни текширади. Қилдан қийик ахтариб, бурнини сўкмаган соҳа қолмади.

– Э-э, гап бўёқда экан-да, – деди маҳалла фаолларидан бири Исмамет муаллим. – Бугун пенсия ёшига етиб, эртасигаёқ қисқаришга тушиб, нафақат уюшма бошлиғи, балки заводдан ҳам кетганига ҳайрон бўлувдим, феълдан топан экан-да.

Шундай бўлди. Аммо Мусабой тушмагур ҳамон эгарда. Маҳалла фуқаролар йиғини, кишлоқ почтаси фаолияти, ичимлик суви таъминоти, кўчаларнинг аҳволи, хуллас, қилдан қийик топмаган кунини кун демайди. Энди у бир шоир айтганидек, оёғи қолиб, айри тили билан изғиб юрибди.

Самад Йўлдош.

Моҳият

Ўтган замонда бир доғишманд бир кишлоққа келиб, яшаб қолди. У болаларни севар, улар билан кўп вақтини ўтказар эди. Яна бир севимли иши – болажонларга ўйинчоқлар ясаб бериш эди, бироқ фақат мўрт ўйинчоқларинигина совға қиларди. Болалар эҳтиёткор бўлишга қанчалик уринмасин, бунинг улдасидан чиқа олишмас, ўйинчоқлар синиб қолаверарди. Бундан хафа

МўРТ СОВҒАЛАР

бўлган ҳужуқлар бор овози билан йиғлашга тушишарди. Кейинчалик доғишманд уларга янаям мўртроқ ўйинчоқларни ҳадя қилди.

Ниҳоят, болаларнинг ота-оналари қариянинг олдида келиб, нолишди: – Сен ақлли одамсан, болаларимизга ҳам фақат яхшиликни раво кўрасан. Аммо, нима учун бундай тегманозик нарсаларни совға қиласан? Улар ўйинчоқларни асрашга бор

кучлари билан ҳаракат қилапти, лекин барибир иложи бўлмапти. Сўнг йиғлашга тушишяпти. Уйнамай дейишса, ўйинчоқларинг жуда чиройли. – Ҳали кўп ўтмай, – деди бунга жавобан доғишманд хилмайиб, – уларга кимдир юрагини ҳадя қилади. Балки менинг бу арзимас ўйинчоқларим уларга қадрли нарсаларни авайлашни ўргатар.

Ориф ТОЛИБ тайёрлади.

«ГАП КЎТАРМАЙДИ»


Гап оғир, енгил, ўртача бўлади. Таъбир жоиз бўлса, юкнинг энг оғири ҳам гапдир. Одамларга таъриф бераётганда, уларни гап кўтарадиган, гап кўтармайдиган тоифаларга бўлишлари шундан.

Гап кўтармаслик икки хил бўлади. Биринчи тоифа: ўз кунини ўзи қўришга, мустақил бўлишга, беминнат ҳаёт кечирishга интилувчи, ҳалол одамлар борки, улар ҳақида бу ибора ишлатилади. Иккинчи тоифа эса сиркаси сув кўтармайдиган, буридан баландроқ гапирсангиз ловиллаб кетадиган шартаки, жижзаки одамлардир. Демак, бу ибора ҳам ижобий, ҳам салбий маъноларга эга экан.

Нега шундай деймиз?

Нодирбек ТОҲИРОВ тайёрлади.

Рассом хандаси



– Босар-тусарини билмай қолганди, мана оқибати...

Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзил: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Назоратчи мусаввиф
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Сухифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУДЖАЕВ